



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 2 май, № 85 (8708)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАЎБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 май куни учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Туркия Республикаси вице-президенти Жавдат Йилмаз бошчилигидаги делегация, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо бошчилигидаги делегация, ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси президенти Абдулҳамид Ал-Халифа ва Озарбайжон Республикаси иқтисодиёт вазири Микойил Жабборов бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Жавдат Йилмаз суҳбат аввалида давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг саломини ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Фаол мулоқотлар барча даражаларда давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми, қўшма лойиҳа ва қорхоналар сони, тўғридан-тўғри авиақатновлар кўпаймоқда.

Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида энергетика, қончилик, озик-овқат, тўқимачилик ва бошқа устувор тармоқларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкор-

лик кенгашининг бўлажак навбатдаги йиғилиши кун тартибини тайёрлаш, энг аввало, кооперация лойиҳаларининг янги портфели ва маданий-гуманитар алмашинув дастурини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Одиль Рено-Бассо бошчилигидаги делегация билан учрашувда кейинги йилларда Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида шериклигининг юксак даражасига эришилгани, яқин ва самарали ҳамкорлик қилинаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугунги кунда банкнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари портфели 4,4 миллиард евродан ошган. Уларда хусусий сектор улуши 70 фоизга яқинлашди.

Ҳамкорлик йўналишлари ва кўламини, энг аввало, кичик ва ўрта бизнес, хотин-қизлар тадбиркорлиги, муқобил

энергетика, рақамли технологиялар каби соҳаларда кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон ва ЕТБ ўртасида янги Шериклик стратегияси қабул қилинди.

Банкнинг фаол кўмаги ва бевосита иштирокида давлат қорхоналарини хусусийлаштиришга тайёрлаш тадбирлари олиб борилмоқда, банк-молия соҳасида йирик битимлар амалга оширилди, “яшил” энергетика, транспорт инфратузилмаси, экология ва бошқа устувор йўналишларда меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари сув таъминоти, энергетика, йўл инфратузилмаси, “яшил” шаҳарларни ривожлантириш борасида янги лойиҳаларни тез фурсатда тайёрлаш ва амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Бўлажак Хорижий инвесторлар кенгаши мажлисининг кун тарти-

би юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Абдулҳамид Ал-Халифа билан учрашувда ОПЕК жамғармасининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги муҳим ўрнини қайд этиб, Ўзбекистонда саноат, инфратузилма, сув таъминоти ва бошқа соҳаларда молиялаштирилаётган тадбиркорлик лойиҳаларини юқори баҳолади.

Форум давомида имзоланган қиймати 500 миллион долларлик битим доирасидаги лойиҳаларни тез фурсатда тайёрлаш ва амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди. Ҳужжатда туризм, логистика, фармацевтика, экология, хотин-қизлар тадбиркорлиги ва ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш каби янги йўналишларда амалий ҳамкорликни ривожлантириш назарда тутилган.

Озарбайжон Республикаси иқтисо-

диёт вазири Микойил Жабборов учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг самимий саломини ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, илгари эришилган келишувлар ижроси доирасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўтган йилда ўзаро товар айирбошлаш 27 фоизга, жорий йил бошидан эса яна 15 фоизга ошди.

Автомобилсозлик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, тўқимачилик, туризм ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Лойиҳалар портфелини, шу жумла-

дан, Қўшма инвестиция компанияси маблағларини жалб қилган ҳолда янада кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларнинг иқтисодий кун тартибини пухта тайёрлаш мақсадида яқин фурсатда Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ҳамда икки мамлакат ҳудудларининг иккинчи форуми ўтказилади.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ўзбекистон, Озарбайжон ва Қозоғистон энергетика вазирларининг бўлиб ўтган уч томонлама учрашувининг асосий яқунлари юқори баҳоланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ФАРМОНЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш, бозор тамойиллари асосида иқтисодий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш ҳамда пенсия ва нафақалар миқдорларининг расман белгиланган энг кам истъомол харажатларидан кам бўлмаслигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 30 апрель

Тошкент халқаро инвестиция форуми:

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРГА ЭШИКЛАРИ ОЧИҚ

Инвестиция — ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ҳаракатта келтирувчи, тараққиётини таъминловчи муҳим капитал. Чунки иқтисодиёт тараққиёти бевосита ана шу сармоя оқимиغا боғлиқ. У эса ҳеч қачон ўз-ўзидан кириб келмайди. Бунинг учун зарур муҳитни яхшилаш, ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилиши керак. Дунёга очилган Ўзбекистон бу борада аллақачон дадил қадамларни ташлаган. Тошкент халқаро инвестиция форумининг мунтазам ўтказилаётгани ҳам фикримизнинг яққол тасдиғи. Қувонарлиси, ушбу анжуманнинг нуфузи ва кўлами тобора ошиб бормоқда.

Президентимиз III Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик бўйича тақдимот билан танишуви чоғида таъкидлаганидек, 2022 йилда ўтган илк форумга 56 мамлакатдан мингдан зиёд хорижий меҳмонлар келган бўлса, бу йил 84 та давлатдан қарийб 2,5 минг киши қатнашиши кутилмоқда. Улар орасида ҳукумат вакиллари, йирик компаниялар раҳбарлари, БМТ, ЕТБ, ОПЕК, ШҲТ каби халқаро ташкилотлардан юқори мартабали меҳмонлар бор.

Форум мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини кўрсатиш ҳамда ўзаро манфаатли лойиҳаларни келишиш учун қулай майдон саналади.

Шу боис унинг доирасидаги тадбирлар, муҳокама қилинадиган масалалар кўп. Жумладан, шуьба мажлислари, давра суҳбатлари, тақдимотлар, ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари каби 40 дан ортиқ тадбирлар режалаштирилган. Шунингдек, қатор лойиҳаларни ишга тушириш маросими кўзда тутилган. Айтиш жоизки, тадбир мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган истиқболли лойиҳаларнинг тақдимот платформаси бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, хорижлик сармоядорларга юртимиздаги имкониятлар, яратилган шароитлар ва жозибадор йўналишлар таништирилади.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ав-



густда инвестициявий муҳитнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратисиз узайтириш ҳуқуқи берилди.



Даъват

Абдусатид КҶЧИМОВ

АСРА

Қатра симобдай титраб, қалқиб турибди дунё,
Мезон сингари идраб, салқиб турибди дунё,
Куйсан қуёшдек хира балқиб турибди дунё...
Чанг-тўзонли замонда, нону тузингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Асрий саҳро, чўллارда қутурмоқда тошқинлар,
Қариндошдан қондошга қирғинлару бошқинлар,
Имога шай турмишлар Ялавочлар — сотқинлар...
Фосиқ дастурхонидан нону тузингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Мустақиллик, озодлик қорбоддан совғамас,
Не-не жасур алпарга ганимлар қилмади қасд,
Эҳ! Бугун ҳам оз эмас, тулки мижоз айёр қас...
Нафси олқок, қаллобдан нону тузингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Буюк аждодларингдан мерос эрур бу замин,
Емогинг шартдир бугун шу юртининг ташвиш-ғамин,
Қолсин десанг то абад ЎЗБЕК деган хур номинг...
Шону шаънингни асра, қайноқ нонингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Асрамасанг ўзингни, тузлигингни-тузингни,
Қашқирлар илҳақ-зордир ўймоқ учун кўзингни.
Жаҳон эшитсин десанг, ҳайқиринг, сўзингни,
Ризқу рўзингни асра, чакмоқ сўзингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Ҳар дамингда аждодлар армони бор, аҳди бор,
Мангуберди, Темурбек, Сарбадорлар жаҳди бор,
Ҳар икки Уйғонининг жаҳонда ўз тахти бор...
Учинчи Ренессанс деб босан изингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Тўққан ерда туғинг тик, тўққан жойинг чамандир,
Қуш бутага сиғингай, саждаҳақинг Ватандир,
Ватандан айрилганга ҳар қадама кафандир...
Кафангадо каслардан элу юртингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Денгизга ҳам осонмас, бардош бермоқ тўфонга,
Ҳатто қуёш ҳам гоҳо йўл бергайдир тўзонга,
Бугун енгил эмасдир Янги Ўзбекистонга...
Янги Ўзбекистонда дашту бўзингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Дарё эмас бир ирмоқ, бир дарахт ўрмон эмас,
Кўклам эмас бир гиёҳ, битта дон хирмон эмас,
Бирлиги йўқ улуснинг кўкраги осмон эмас...
Дайди тўда-уярдан жанда бўзингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Боғ жамоли — боғбондан. Боғбонинг бор дарёдил,
Дарёдилли боғбонга дарё бўлиб қўшилгай,
Дарёларга айланиб, уммон каби жўшсин эл...
Боғли диёринг учун қору музингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Фурсат пойлаб турибди, қароқчи кишандорлар,
Ўз қавмини кишанлаб, тўн кийган нишондорлар,
Кўм-кўк далангни бевақт босмасин десанг қорлар...
Бемаҳал ёққан дўлу қишдан қузингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Бир вужудга айлансин минг-миллиён жону тан,
Минг-миллиён вужудлар бир жонга бўлсин пайванд,
Қуёш битта, Ой битта, Ойу Қуёшдир БАТАН...
Қуёшингни, Ойингни қошу қўзингдек асра,
Ўғил-қизингдек асра, асра, ўзингдек асра!

Тошкент халқаро инвестиция форуми:

Янги Ўзбекистоннинг
хорижий сармоядорларга эшиклари очик

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдори 30 фоиздан 15 фоизгача камайтирилди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг иштирокчиси сифатида хорижий юридик шахс қатнашиши шартлиги тўғрисидаги талаб ҳам бекор қилинди.

Бундан ташқари, “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топган Ўзбекистонда инвесторлар учун солиқ юкини пайсайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган солиқ сиёсати ва солиқ-тариф бошқаруви ислохотлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлараро кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартларидан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан-йилга инвестициявий муҳит жозибadorлигини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари яратиб келинмоқда.

Ўзбекистонда ҳам қулай сармоявий иқлим яратилиши учун кенг ҳаракат қилинмоқда, бу борада хорижий инвесторларга турлича молиявий имтиёзлар ва ҳуқуқлар берилган, бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда. Бу ҳақда сўз кетганда, даставвал, мамлакатни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини, сўнгра Тараққиёт стратегиясини қабул қилиб, унинг доирасида кенг қўламли демократик ислохотларни амалга ошириш йўли танланганини таъкидлаш мумкин. Ушбу ислохотлар дастурлари давлатимиз ва жамиятимизнинг барча соҳасини қамраб олиб, қонун устуворлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш каби муҳим йўналишларни ўзида муҳассас этган. Хусусан, 2017 йилда миллий валютамиз — сўмнинг эркин конвертациясини жорий этиб, хорижий инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш билан боғлиқ чекловлар олиб ташланди. Банк ва йирик корхоналаримиз илк марта халқаро рейтинглар олиб, жаҳон молия бозорлариغا чиқди. Дунё бозорлариغا миллий валютамизда ҳам халқаро облигациялар чиқарилиди. Шу билан бирга, банк-молия соҳасидаги ислохотлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Инвестицияларнинг оқими мамлакатнинг очиклигига ҳам боғлиқ. Шу маънода, очиклик сиёсатини таъминлаш учун 100 дан зиёд хорижий давлатлар фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш имконияти яратилди. Яна ўнлаб мамлакатлар фуқароларига эса енгиллаштирилган тартибда виза олиш имконияти берилди. Бу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон минтақадаги энг очик давлат макомини кўлга киритди.

Маълумки, инвесторлар коррупция кенг томир отган давлатга бормайди. Мамлакатимизда мазкур иллатга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди, десак, янглишмаган бўламиз. Бу борадаги саяё ҳаракатларни кучайтириш мақсади-

да алоҳида агентлик ташкил этилди. Инвесторлар инсон ҳуқуқлари топталадиган юртга сармоя киритишдан ҳадиксираши, маблағи талон-торож бўлишидан чўчиши табиий. Шунинг учун мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатлаш ва тўлиқ ҳимоя қилиш ҳам энг устувор вазифа сифатида белгиланди. Тўрт йил аввал Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилинди ва тарихда биринчи марта мамлакатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди.

Ўзбекистонни қонун ва адолат мустаҳкам қарор топган демократик мамлакатга айлантириш, мустақил ва кучли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш — энг олий мақсадлардан бири сифатида кун тартибига кўйилди. Ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва сўз эркинлигини таъминлаш, демократик медиамакон яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга ошириляётгани, оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш, давлат идораларини жамият олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш борасида сезиларли натижаларга эришляётгани эътиборга молик.

Уулас, инсоннинг энг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш учун Конституциямизнинг янги тахрири ишлаб чиқилди. Унда кўп йиллар давомида мамлакатимизнинг турли “қора рўйхат”ларга киритилиши учун сабаб бўлган мажбурий меҳнат, жумладан, болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилгани муҳрлаб қўйилди. Бунинг эътирофи сифатида Халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари коалицияси — “Cotton Campaign” ҳамда жаҳондаги машҳур брендлар томонидан Ўзбекистон пахта-си ва тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан илгари ўрнатилган бойкот бекор қилингани ва мамлакатимиз билан яна ҳамкорлик ўрнатаётганини таъкидлаш шарт.

Солиқ имтиёзлари ҳам инвесторларни ўзига жалб этувчи омил саналади. Айтиш жоизки, юртимизда қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилди. Хорижий инвесторлар акцияларидан оладиган дивидендлар уч йил муддатга фойда солиғидан озод қилинди. Мўҳими, солиқ ва божхона қонунларига янги ёки оғирлаштирувчи жавобгарлик чоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Ташки савдо эркинлаштирилмоқда. Хусусан, инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божлари бекор қилинди. Божхона ҳудудида қайта ишлашнинг соддалашган тартиби жорий этилди. Янги-янги бозорларга кириш мақсадида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёни жадаллаштирилмоқда. Бу йўлда қонунлар қабул қилинляпти.

Ижро ҳокимияти тизими ислох этилиб, бюрократия камайтирилди. Давлатнинг бизнесни тартибга солишга қаратилган 500 та функцияси бекор қилинди, 70 таси хусусий секторга давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосида ўтказилди. Ҳозирги кунга қадар

132 та лицензия ва рұхсат беришга оид ҳужжат бекор қилинди, 33 таси бўйича хабардор этиш тартиби киритилди.

Энг муҳими, ушбу ислоҳот доирасида инвесторлар билан ишлашнинг яқлит тизими жорий қилинди. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида лойиҳа ташаббусидан бошлаб, то уни ишга туширишгача бўлган барча жараёнда инвесторларга “ягона дарча” орқали кўмаклашиш йўлга қўйилди. Инвесторлар муаммоларини, тақлиф ва тавсияларини тезкор ҳал этиш, уларнинг давлат раҳбари билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Президент хузурида Хорижий инвесторлар кенгаши иш бошлади. 3 май куни кенгашнинг навбатдаги йиғилиши ўтказилиши режалаштирилган.

Ишбилармонлар ҳуқуқларининг ҳимояси кучайтирилди. Чет эллик сармоядорлар учун қўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кетиш ва яшааш шартлари кескин соддалаштирилди. Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида маъмурий судларга катта ва-

да қисқа даврда 2 миллиондан кўпроқ киши муҳтожлар тоифасидан қўқарилди. Умуман олганда, ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Бугунги кунда инвесторларни қизиқтириши мумкин бўлган йўналиш ва соҳалар талайгина. Биринчиси — “яшил” иқтисодиёт. Ўзбекистон анъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни камайтириш, муқобил энергия салоҳиятини жорий этиш ҳисобига экологияни яхшилаш, иқтисодиёт унумдорлигига эришишни мақсад қилган. Бу борада мамлакатимизда жаҳоннинг энг нуфузли компаниялари қуёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга оширяпти. 2023 йилда 2 минг мегаваттдан зиёд қувватлар ишга туширилган бўлиб, бу йил 8 минг мегаваттлик қувватларни фойдаланишга топшириш мўлжалланган. “Яшил” иқтисодиёт саноатнинг янги йўналишларига ҳам туртки беради. Бу инвесторлар учун 8 миллиард долларлик имконият, дегани.

Иккинчи йўналиш — давлат-хусусий шериклик. Ислохотлар натижасида ол-

Ўзбекистон инвесторлар учун ҳуқуқий кафолат, алоҳида технопарк ва саноат зоналари, қўшимча имтиёзлар берапти ва уларни кенгайтиришга ҳамиша тайёр. Сармоядорлар истаган тинчлик ва барқарорлик, қулай инвестиция муҳити ҳамда зарур кафолатлар юртимизда яратилган.

колатлар берилди. Бундан буён тадбиркорлар ва инвесторлар судда ўз талабининг тўғрйлигини исботлаши шарт эмас. Энди давлат идораси ўз қарорининг қонунийлигини исботлаб беришга мажбур бўлади. Ўзюага келган ҳар қандай ноаниқликлар эса инвесторлар фойдасига ҳал қилинади. Бу йил юртимизда илк бор Халқаро тижорат суди фаолияти йўлга қўйилади. Бундай иқтисодий имкониятлар ва кафолатлар ўз натижасини бермоқда. Ўтган йилнинг ўзюда мамлакатимизда 100 мингга яқин янги корхоналар очилди. Киритилган хорижий сармоялар ҳажми 10 миллиард долларга етди ёки 2017 йилдагига нисбатан 3 баробар ошган.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта камбағиллиқни бартараф этиш ҳукумат сиёсатининг асосий мақсадларидан бирига айлантирилди. Бу ҳам бежиз эмас. Инвестор маҳсулотни сотилишни истар экан, у ўзи маблағ ётқизаётган мамлакатдаги истеъмолчининг харид қобилиятига ҳам қизиқади. Шу нуқтаи назардан, ушбу йўналишда алоҳида стратегия қабул қилинди. Натижа-

динлари “ёпиқ” бўлган тармоқларга хусусий инвестициялар фаол кириб келмоқда. Масалан, аввал 100 фоиз давлат тармоғи ҳисобланган авиация соҳасида хусусий секторга кенг йўл очилди. Шу билан бирга, тез ўсиб келаётган ахборот технологиялари, туризм, таълим, тиббиёт каби соҳаларда Ўзбекистон минтақавий ҳаёга айланиб бормоқда. 2023 йили давлат-хусусий шериклики жорий қилиш бўйича 14 миллиард долларлик алоҳида дастурлар ишлаб чиқилган. Улар давлат учун муҳим бўлган транспорт, коммунал ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш каби тармоқларни қамраб олган.

Учинчи йўналиш — давлат мулкни хусусийлаштириш. Ўтган йили бу бўйича “1 минг, 1 минг, 40” дастури қабул қилинди. Яъни мингта корхонадаги давлат улушлари ҳамда давлатга тегишли яна мингта кўчмас мулк объекти очик аукцион савдоларига чиқарилди, 40 та стратегик корхона “IPO”га олиб чиқилди.

Тўртинчи йўналиш — индустриал ривожланиш. Бугунги кунда Ўзбекистон тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик.

материаллари, электр техникаси, машинасозлик тармоқларида етарли хомашё ва малакали кадрларга эга. Бу соҳаларда ишлаб чиқариш ва экспортни 2 баробар ошириш учун етарли имкониятлар бор. Бунинг учун йирик брендлар билан ҳамкорлик, ташқи бозорларга чиқиш, инновация ва замонавий технологиялар керак.

Бешинчи йўналиш — қўшни давлатлар билан ҳамкорлик. Ҳозирда Қирғизистон, Тожикистон, Қозғистон ва бошқа давлатлар билан қўшма инвестиция фондлари ташкил қилиниб, саноат, энергетика, транспорт ва сув хўжалиги соҳаларида йирик минтақавий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Асосийси, Ўзбекистон инвесторлар учун ҳуқуқий кафолат, алоҳида технопарк ва саноат зоналари, қўшимча имтиёзлар берапти ва уларни кенгайтиришга ҳамиша тайёр. Сармоядорлар истаган тинчлик ва барқарорлик, қулай инвестиция муҳити ҳамда зарур кафолатлар юртимизда яратилган.

Энг катта ва муҳим ютук эса Ўзбекистондаги ислохотларнинг ортага қайтмайди, мумкин мумкин тус олгандир. Эътиборлики, “Инсон маффаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти ва инсон капиталини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулк дахлсизлиги ва гендер тенгликни таъминлаш каби муҳим вазифаларга қаратилгани билан ажралиб туради.

“Инсон қадрй учун” ғоясини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган стратегия, пировардида мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий барқарорлиқни таъминлашга, кенг қўламли маъмурий ислохотларни амалга ошириш ва рақамлаштиришнинг жорий этиш орқали бизнес учун янада қулай шароит яратишга, давлат бошқаруви тизимининг натижадорлигини кучайтириш баробарида ишбилармон ва тадбиркорларга кўмак берадиган, илҳам ҳамда юқори самарали ҳукумат тизимини ташкил этишга хизмат қилады.

Бу йўлда давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва улушини кескин қисқартиришга, сармоядорларни иқтисодиётнинг кенг тармоқларига жалб этишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари кўмағида давлат ак-

тивларини хусусийлаштириш орқали 2026 йилга қадар эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш ҳисобидан 25 дан ортик фаолият турлари бўйича монополияларни тугатиш, тижорат банкларида трансформация жараёнларини давом эттириб, банк активларига хусусий секторнинг улушини 60 фоизга етказиш, давлат иштирокидаги корхоналар сонини камида 3 баробар қисқартириш режалаштирилган.

Мамлакатимизда хорижий инвесторлар билан биргаликда давлат-хусусий шериклик механизминини жорий этган ҳолда энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилмани ривожлантириш ва йўл қурилиш соҳаларида умумий қиймати 15 миллиард долларлик 200 дан ортик лойиҳаларни амалга ошириш мақсади илгари сурилган.

Ўзбекистон ўз олдига жаҳон бозорлариға катта биргаликда маҳсулотлар чиқаришни мақсад қилган. Бунинг учун мамлакатимизнинг яқин йилларда Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирнинг ўзюда юртимизда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эркин савдо орқали 280 миллион истеъмолчиси бўлган минтақавий бозорларга чиқяпти. Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг кенгайтирилган преференциялар тизими “GSP+” доирасида Ўзбекистондан 6 мингдан ортик маҳсулот турларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашга қаратилган тарихий ташаббусни илгари сурди. Мавҳуд транспорт коридорларини диверсификация қилиш орқали Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Трансафғон темир йўли орқали Жанубий Осиёга, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли орқали Осиё — Тинч океани минтақасига ҳамда Жанубий Кавказни кесиб ўтадиган мультимодал транспорт коридори орқали Европа мамлакатларига етказиш учун имкониятлар яратилади. Қўрилаётган чора-тадбирларнинг барчаси мамлакатимизнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш гарови ва кафолати бўлишига шубҳа йўқ.

Умуман олганда, амалга оширилаётган ислохотлар натижасида келгуси йилларда ялли ички маҳсулот ҳажминини 100 миллиард долларга, йиллик экспорт ҳажминини эса 30 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Хусусий секторнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 80 фоизга етказилади. Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб аҳолиси ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олишига эришиш мақсад қилиб қўйилган экан, ортага қайтмас ислохотлар ушбу улғувор мақсадларга эришишда таянч бўлиб хизмат қилады.

Асосийси, дунёдаги бугунги мураккаб вазиятда ҳам Ўзбекистон яшаш ва ишлаш учун тинч ҳамда хавфсиз макон сифатида танилгани инвесторларнинг юртимизга бўлган қизиқишини, интилишини янада оширади.

Ўзбекистон ва Туркия:
кўп қиррали ҳамкорлик ва парламентлараро мулоқот

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Рамиси Танзила Норбоева Туркия Республикаси вице-президенти Жавдат Йилмаз бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Унда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари йил сайн мустаҳкамланяётгани, шу жумладан, сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг кучли сиёсий иродаси туфайли ушбу муносабатлар янги босқичга кўтарилиб, стратегик шериклик даражасига олиб чиқилгани алоҳида эътибор қилинди.

Олий даражадаги мулоқотлар мунтазамлик касб этмоқда. Бунинг натижасида икки мамлакат ўртасидаги қардошлик ва дўстлик ришталари, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар, туризм, таълим ҳамда ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик янада ривожланмоқда.

Мулоқот давомида Туркия томони гендер тенглик, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, тартиб-и меҳнат миграцияси, оила ишлари ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида кўмаклашиш, бу борада ўзаро таърибга алмашмиш ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга тайёр эканлигини билдирди.

Ўз навбатида, парламентлараро алоқаларни минтақавий ва халқаро доирада мустаҳкамлаш, уни янада жадаллаштириш, парламентлараро гуруҳлар ва парламентларнинг барча қўмиталари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация, банк-молия, туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда тўғридан-тўғри мулоқотни фаол давом эттириш муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди. Учрашув сўнгюда томонлар икки мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорлигини чуқурлаштириш ва кенгайтириш йўлида ўзларининг бор кучи, таърибга ва имкониятларини сафарбар этишга тайёр эканини билдирди.

«Халқ сўзи».

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА АҲОЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳамда тараққиётига оид, жумладан, лицензиялаш, рұхсат бериш, хабардор этиш тартиб-таомилларига, маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш, бандлик хизматларини такомиллаштириш, фитосанитария талабларини енгиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Божхона брокерлари хизматидан фойдаланиш тартиби белгиланмоқда

Мажлисида “Лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига божхона брокери фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокамадан ўтказилди.

Тақлиф этиляётган қонун лойиҳаси билан “Лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга ваколатли давлат органини божхона брокери ҳамда халқаро қурьерлик жўнатмаларини етказиб бериш бўйича фаолиятни амалга оширишлари тўғрисида хабардор



қилиш тартиби белгилаб берилмоқда. Шунингдек, ваколатли органи хабардор этмасдан фаолиятни амалга оширганлик, хабардор қилиш тартибюда фаолият юритиш учун белгиланган талаблар ва шартларнинг бажарилганлиги юзасидан ваколатли органга ёлғон ёки нотўғри маълумотлар берганлик учун минимал жарима белгиланмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси жорий йилнинг 12 март куни бўлиб ўтган Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилиниб, лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича депутатлар томонидан бир қатор тақлифлар берилган эди.

Ўтган даврда масъул қўмита томонидан қонун лойиҳасини маромига етказиш ва пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган ҳар бир тақлиф чўқур таҳлил қили-

ниб, асосли деб топилганлари лойиҳа матнида акс эттирилди.

Депутатларнинг айтишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ташки иқтисодий фаолият субъектларига божхона декларациялаши бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, божхона ва солиқ тўғрисидаги қонунчилик бўзилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйишга хизмат қилады.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Миллий меросимиз жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилинади

“Маданий ёдгорликларини сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот маркази Уставига (Рим, 2013 йил 29 ноябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадимжоларини обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу аъьаналарни руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Янги тахирдаги Конституциямизда тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам маданий

меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва оммалаштириш билан боғлиқ фаолиятни янада такомиллаштириш бўйича бир қатор устувор вазифалар белгиланган.

Мажлисида қайд этилганлариде, Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот маркази (ICCROM) — таълим, ахборот алмашинуви, тадқиқот ва ҳамкорлик орқали жаҳон маданий меросини сақлаш билан шугулланувчи ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланади. Ушбу ташкилот 1959 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг бош қароргоҳи Рим шаҳрида жойлашган. Ҳозирги вақтда унга 142 та давлат аъзо.

Мазкур халқаро ташкилот ўз ваколати доирасида ЮНЕСКО маслаҳатлашув органи ҳисобланади ва умумжаҳон маданий мерос объектларида амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳаларни қўриб чиқишда, улар бўйича ҳулоса ва тавсиялар тайёрлашда кўмак беради.

Депутатларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг “ICCROM”га аъзо бўлиши ЮНЕСКОнинг техник ёрдами ва маблағларини кенгроқ жалб этиш, ҳар икки йилда бўлиб ўтадиган “ICCROM” Бош ассамблеясида юртимизда маданий меросни сақлаш ҳолатини қўриб чиқиш ҳамда соҳада ўтказиладиган халқаро тадбирлар ва муносабатларда Ўзбекистон вакилларининг тўлақонли аъзо сифатида иштирок этиш имконини беради.

Шунингдек, миллий меросни жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш, адабиётлар яратиш, ёдгорликларни сақлаш ва тиклаш бўйича халқаро илмий ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қилады.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМАЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА ПАРЛАМЕНТ ЯНАДА ФАОЛ БЎЛАДИ

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда Парламент тадқиқотлари институти ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистон Конституцияси: амалга оширилган ишлар ва устувор вазифалар” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтган эди.

Куйи палата депутатлари, Сенат аъзолари, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, Конституциявий суд судьялари, илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари, олимлар, профессор-ўқитувчилар иштирок этган анжуманда янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга оширишнинг илмий-ҳуқуқий асослари, Бош қомусимизни ҳаётга самарали татбиқ этишда парламентнинг ўрни ва роли, бу бўйича олиб борилаётган ишларнинг аҳамитига қаратилган мавзуларда маърузалар тингланди.

Парламентимиз вакиллари бу ҳақда ўз муносабатини билдирди.

Акс садо

Ақтам ҲАЙТОВ,
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Асосий Қонунимизда партия-миз гоя ва мақсадларига ҳамоҳанг бўлган хусусий мулк ҳуқуқи, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва капитал ҳаракати эркинлигининг кафолатлари мустаҳкамлангани диққатга сазовор. Конституциямиз ва қонунларимиз берган кафолат натижасида кичик тадбиркорлик субъектлари сони кўпаймоқда. Айни пайтда уларнинг сони 630 мингдан ошди ёки ўтган бир йилда 10 фоизга кўпайди.

Бундан ташқари, умуммиллий бойлигимиз бўлган ерни узоқ муддатли ижарга бериш механизмлари кенг жорий этилаётгани тўғрйли тадбиркорлик субъекти бўлган деҳқон ҳўжаликлари сони 700 мингдан ошди. Бу, ўз навбатида, озйқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва бандликка эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги тахрирдаги Конституцияда хусусий мулк дахлсизлиги, мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланб кўйилди. Шунингдек, давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши, тадбиркорлар қонунчилика мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли эканлиги мустаҳкамланди.

Бош қомусимизга тадбиркорлик фаолияти учун том маънода асос солувчи норманинг киритилиши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитига ижобий таъсир кўрсатяпти. Асосийси, бу мулкдорларнинг ўз мулкига эгалик қилиши ва улардан фойдаланиши учун замин яратиб, уларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятлар самарасида бугун тадбиркорларимиз соҳа вакилларига берилаётган қатор енгилликлар, эркинликлардан куч олиб, иктисодиётимиз локомотивига айланиб бормоқда. Юртимизда ишбилармонлик муҳитининг тараққий этиб бораётгани, янги-янги тадбиркорлик субъектлари ташкил қилингани, аҳолининг салмоқли қисми шу соҳада меҳнат қилаётганида ҳам бу аққол намоён бўлаётир.

Алишер ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон “Миллий тиклишни” демократик партияси фракцияси раҳбари:

— 2019 йилда парламент сайловларида иштирок этиб, сайлов тарғиботларини ўтказганимизда янги Ўзбекистон улкан ислохотлар мамлакатига айланиб бораётгани, бу

саъй-ҳаракатлар одамларнинг дунёқарашини ўзгартираётгани, давлат бошқарувида ҳам муҳим ўзгаришлар амалга оширилаётганига амин бўлгандик. Президент томонидан илгари сурилган “Инсон давлатга эмас, давлат — инсонга” деган тамойилнинг ишлаши қонунчилигимиздаги айрим масалаларни ўзгартириш заруратини юзага келтирди. 2019 йилдаги парламент сайловларида айнан бизда, яъни 2 та партияда чакирув сифатида конституциявий ислохотларни ташаббус қилиш гоёси тутилган ва бу кейинчалик Президент томонидан қўллаб-қувватланди. Конституциявий ислохотларнинг туғилиш нуктаси айнан ўша ерда, десак, муболага бўлмайди.

2019 йилда биз, парламент сай-

ларида биз сайловчиларимизга ушбу конституциявий нормалар моҳиятини тушунтириш билан бирга, уларни рўёбга чиқариш йўлида бир халқ бўлиш даъватига таянамиз.

Ўлғубек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Асосий Қонунимизнинг қатор меъёрларида камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар микдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланб кўйилди.

Давлат зиммасига аҳоли ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёт сифатини ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини қўриш мажбурияти юкланди.

Бош қомусимизнинг 43-моддасида давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши ҳамда рағбатлантириши белгиланб қўйилгани эътиборга молик. Бу борада юртимизда муайян ишлар қилинган. Шунингдек, 47-моддада муҳим ҳаётий қоида — ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгалиги белгиланди. Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантириши, уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шароит яратиши,

мизнинг 49-моддасида ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамланди. Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаши ҳамда атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши қатъий белгиланб қўйилди. Шу билан бирга, давлат ёшларнинг экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши конституциявий даражага олиб чиқилди.

Шу ўринда Бош қомусимизда белгиланган нормаларни қонунчиликда акс эттириш борасида тизимли ишлар рўёбга чиқарилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, ўтган бир йил давомида соҳага оид қабул қилинган 10 та қонун нормаларида юқорида қайд этилган конституциявий меъёрлар ўз ифодасини топди. Табиат ҳимояси, экологик назорат, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, атмосфера ҳавоси муҳофазаси, ичимлик суви таъминоти, қайта тикланувчи энергия манбаларига тааллуқли қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Бу борадаги ишларимизни давом эттирган ҳолда экология соҳаси бўйича Конституцияда белгиланган нормалардан келиб чиқиб, бир қатор қонун ҳужжатларини ҳамда халқаро ҳужжатларга қўшилиш масаласини ўрганиб чиқисни ўз ол-

Фарғона, Наманган, Сирдарё, Жизжаҳ ва Қашқадарё вилоятларидаги ўрганишлар якунида Олий Мажлис Сенати Кенгаши сайёр йиғилишларини ўтказдик.

Мухими, шу ййғилишларга тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари жалб этилган ҳолда, маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Айни чоғда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш чоралари қўрилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттириляпти.

Айтиш жоизки, ушбу йўналишда олдимизда қатор долзарб вазифалар турибди. Аввало, қўллаб қонунларимизни янги тахрирдаги Бош қомусимизга мослаштиришимиз керак бўлади.

Конституцияда алоҳида белгиланб қўйилдики, Ўзбекистон ҳудуди ягона иктисодий макон. Демак, ана шу иктисодий маконда молиявий ресурслар ва меҳнат ресурслари, товар ва хизматлар ҳаракати ҳеч қандай чекловсиз амалга оширилади. Шу боис мазкур янгиликни халқимиз ҳуда яхши кутиб олди.

Эндликда тегишли қонунларни ана шунга мослаштириш чораларини қўриш мақсадга мувофиқ. Айни пайтда Тадбиркорлик кодекси лойиҳаси тайёрланган, у биргаликда қабул қилинса, тадбиркорларимиз учун янада кенг имкониятлар яратишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Муҳаммаджон ВАЛИЕВ,
«Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Маълумки, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уни муносиб ҳимоя қилишда адвокатура институтининг ўрни ва роли бекиёсдир. Шу боис янги тахрирдаги Конституцияда адвокатура бўйича алоҳида боб киритилганлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим институт бўлган адвокатуранинг конституциявий макomini тубдан оширди. Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига қўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланди.

Айни пайтда адвокатура институти ривожлантириш томон яна илдам қадамлар қўйиш керак, судьянинг суд жараёнидаги фаол ролини босқимча-босқим камайтириб бориб, асосан, томонлар ўртасидаги келтирилмаган далилларни баҳолашга кўпроқ урғу бериш керак.

Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгрок жорий қилиш йўлидан бориш зарурлигини қайд этиш жоиз. Айниқса, адвокатура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашинуви янада яхшилаш чораларини қўриш лозим.

Албатта, буларнинг барчаси партиямиз дастурига ҳамоҳанг бўлиб, биз учун олий қадрият, бу — инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидир! Шу нукта назардан айтганда, “Адолат” СДП “Қонун устуворлиги — адолатли жамият қуришнинг муҳим шарт!” деган тамойилни жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдор шахслар фаолиятининг муҳим қоидаcига айлантиришга ҳаракат қилмоқда.

«Халқ сўзи».

Семинар

Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш – долзарб масала

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мавзусида семинар ўтказилди.

Унда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари ва котиб-билт мудирлари, қўмита экспертлари, тегишли ташкилот вакиллари ва Ёшлар иштирок этди.

Ҳақон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиға кўра дунёдаги ҳар учинчи аёлға ҳаёти давомида ўз умр йўлдоши томонидан жисмоний таъзиқ ўтказилади. Турмуш қўрган аёлларнинг 30 фоизи ҳамроҳи томонидан зўравонликка учрагани ҳақида маълум қилган. Таъзиқ ва зўравонлик оқибатида ўлим келиб чиққан ҳолларнинг 38 фоизида турмуш ўртоғи ёки у билан яшаётган шахснинг айби борлиги аниқланган.

Семинарда ушбу йўналишда мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди.

Қайд этилганидек, 2024 йил 1-чорағида шахвоний шилқимлик қилган 318 шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларнинг 97 нафарига жарима, 221 нафарига эса маъмурий қамок ҳазоси қўйилганлиги. Оилавий (машиий) зўравонлик тўғрйли 4 минг 343 шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, шундан 2 минг 344 нафарига жарима, 1 минг 999 нафарига эса маъмурий қамок ҳазоси белгиланган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан оилавий (машиий) зўравонлик қилган 134 нафар шахс судланган. Уларнинг 51 нафарига озодликдан маҳрум қилиш, 83 нафарига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жа-золар тайинланган.

Маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, хотин-қизлар ва болаларни таъзиқ ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилиш, оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бугун давлат ва жамият учун долзарб масала ҳисобланади. Шу боис ушбу йўналишда дадил қадамлар қўйилмоқда.

Президентимиз томонидан 2023 йил 11 апрелда имзоланган “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ижтимоий-сиёсий фаолиятини мустаҳкамлашда дастуриламам бўлиб хизмат қилмоқда.

Иштирокчилар томонидан айтиб ўтилганидек, ушбу қонун билан амалдаги қонунчиликка “оилавий (машиий) зўравонлик” тушунчаси киритилиб, бундай қилишлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгилангани муҳим янгилик бўлди. Айни чоғда болаларга нисбатан жинсий жиноятлар учун ҳам жавобгарлик янада қучайтирилди.

Ўз навбатида, семинарда шу йўналишдаги галдаги вазифалар атрофлича таҳлилдан ўтказилди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида

Пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлик қучайтирилади

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлиқни қучайтиришга қаратилган ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 2021 — 2023 йилларда 239 та ҳолатда мамлакатимиз ҳудудида қиймати қариб 2 млрд. сўмлик 300 мингдан ортиқ пиротехника буюмларини ноқонуний олиб кириш ҳолатлари аниқланган. Ана шу даврда ички ишлар органлари томонидан тежор-профилактик тадбирлар ва рейдлар давомида 42 миллиондан ортиқ пиротехника буюмлари олиб қўйилган.

Бугунги кунда пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185-моддасида жавобгарлик чоралари белгиланган бўлса-да, бу модда диспозициясида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини ташкил этувчи ижтимоий хавфли қилиш учун бир хил жавобгарлик белгиланган. Яъни пиротехника буюмларидан ноқонуний фойдаланиш, хавфсизлик талабларига жавоб берамайдиган жойларда сақлаш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, Ўзбекистон ҳудудида олиб кириш ёки олиб чиқиш ёҳуд ўтказиш учун бир хил жарима кўзда тутилган.

Шу тоифа ҳуқуқбузарлик содир этилганда хавфли қилишни келтириб чиқарган оқибатлар хисобга олинган ҳолда жазо тайинланмаслиги бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўз самарасини бермаётти.

Қайд этилганидек, Олий Мажлис Сенати ҳам пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, сақлаш ва фойдаланиш, уларни мамлакатимизга олиб кириш ёки ўтказиш билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш билан доимий шуғулланиб келмоқда.

Хусусан, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича масъул тузилмаларга сенатор сўрови юборилган. Мазкур сўровлар натижаси ўлароқ пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласининг олдини олишга қаратилган таъсирчан жавобгарлик чоралари белгиланган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, парламентга киритиш жараёнида эканлиги маълум қилинган.

Бундан ташқари, қўмита томонидан Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларидан юртимиз ҳудудларига қўшни давлатлардан чегарани бузган ҳолда пиротехника воситаларини олиб ўтши ҳолатларининг олдини олиш борасида профилактик тадбирларни қучайтириш бўйича қўрилаётган чоралар юзасидан маълумотлар ҳам олинган.

Қўмитада муҳокама қилинган қонунга киритилаётган янги нормалар бугунги кунда олиб борилган ҳамкорликдаги умумий саъй-ҳаракатларнинг амалий натижасидир.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185-моддасида белгиланган ҳуқуқбузарлик белгилари алоҳида қисмларга ажратилиб, ҳар бир қилиш учун тегишли санкция белгиланмоқда.

Бундан ташқари, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида ички ишлар органларига пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласига оид ҳолатларни аниқлаш, уларни олиб қўлиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш вазифалари юкланганлиги боис ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритилиб, бундай ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий баённомаларни расмийлаштириш ваколати Миллий гвардия бўлимларига билан бир қаторда ички ишлар органларига ҳам берилаетир.

Муҳокама жараёнида қонун юзасидан сенаторлар, экспертлар ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар вакилларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Мажлис якунида қўрилган масала бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

Ишбилармонлик муҳити ривожида муҳим асос

Мажлисида кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Товар белгилари бўйича қонунлар тахриридаги Сингапур шартномасини (Сингапур, 2006 йил 27 март) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги Сингапур шартномаси 2006 йил 27 мартда қабул қилинган ва 2009 йил 16 март куни кучга кирган. Бугунги кунда Сингапур шартномаси дунёнинг 54 та мамлакати ҳудудида амал қилади.

Сингапур шартномасининг мақсади товар белгилари соҳасида ишловчи ва шу соҳа иштирокчиси бўлган мамлакатлар ҳамда регион ташкилотларда товар белгиларига ҳуқуқий муҳофаза олиш тизими фойдаланувчилари учун янада мақбул шароитларни яратиш ҳисобланади.

Мазкур шартнома ратификация қилиниши билан товар белгиларига оид мавжуд халқаро нормаларни модернизациялаш, хусусан, ҳужжатларни электрон шаклда топшириш, электрон имзодан фойдаланиш, ноодатий товар белгиларини (товуш, голографик белгилар) товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш каби тартиблар жорий этилади.

Шунингдек, ўйғунлаштирилган тартиб-қоидалар ва стандарташтирилган ҳужжат шакллари бир неча давлатларда ва Ўзбекистонда товар белгиларини рўйхатдан ўтказишга мнтиялаётган маҳаллий ва хорижий корхоналарнинг вақти ва маблағи тежалади. Бундан ташқари, товар белгисидан фойдаланишга

оид лицензия ҳамда ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга оид шартномаларни рўйхатдан ўтказишда максимал талабларнинг жорий этилиши натижасида ортиқча ҳужжатларни тақдим қилиш бартараф этилади. Бу орқали миллий ва хорижий товар белгисидан шартнома асосида фойдаланиш сони ошади.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитининг янада яхшиланишига, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишга ҳамда соҳанинг ривожланишига хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Бандлик хизматларини кўрсатишда амалдаги муаммолар бартараф этилади

“Ўзбекистон Республикасида бандлик хизматлари такомиллаштирилиши муносабати билан “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлари ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунга бир қатор ўзгаришлар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, иш бевуқининг бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда юбориш шартлари белгиланмоқда.

Ишдан ва иш хаки (меҳнат даромади)дан маҳрум бўлган шахсларга ишсизлик нафақа-

аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланиши кафолатланди.

Бугунги кунда Асосий Қонунимиз ислохотлар ижтимоий йўналтирилган бўлишининг мустаҳкам кафолатига айланди, дейишга барча асосимиз бор. Бу йилги давлат дастурида назарда тутилган ҳар бир мақсад, вазифа ҳам фикримизнинг аяқлод тасдиғидир. Ушбу хайрли ишлар “Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат” деган эзгу гоғни рўёбга чиқариш, халқимизни рози қилиш, эркин ва фаровон жамият барпо этишда муҳим омил бўлади.

Мазкур жараёнда Халқ демократик партияси мамлакатимизда Конституция қоидаларига риоя қилиниши, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги таъминланиши учун барча даражадаги депутатлик корпуси ва ташкилотлари орқали амалий саъй-ҳаракатлари изчил давом эттиради.

Ҳайрулло ҒАФФОРОВ,

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:

— Янги тахрирдаги Конституция-

димизга вазифа сифатида белгиланб олди. Ҳужмадан, фуқароларнинг атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, Орхус конвенцияси, Хавонинг узоқ масофаларга трансегагарвий флоспаниши тўғрисидаги конвенция, Стратегик экологик баҳолаш ҳақидаги протокол ҳамда соҳага оид бошқа халқаро битимларга қўшилиш мақсадга мувофиқлигини ўрганиш олдимизда турган асосий вазифалардандир.

Эркин ГАДОВЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иктисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси:

— Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони асосида ташкил этилган Асосий Қонунимизни амалга ошириш бўйича Давлат комиссияси томонидан кенг қўламли ва самарали иш олиб бориляпти. Шу пайтгача жойларда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари ўрганиб чиқилди. Хусусан, Андижон,

тириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонунга фитосанитария махсулотларини импорт қилувчиларга енгиллик берилишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Амалдаги тартибга кўра хорижий мамлакатлардан олиб кириладиган карантин остидаги махсулотларни республикамиз ҳудудида киритиш учун Ўсимликлар карантини чегара пунктларида тадбиркордан экспорт қилувчи давлатнинг фитосанитария сертификати асл нусхасини кўрсатиш талаб этилади. Ушбу ҳужжат тақдим қилинмаган тақдирда, махсулотлар давлат чегарасида туриб қилини, ортиқча харажатларнинг кўпайиши импортёр тадбиркорларимизга қийинчилик туғдирмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар фитосанитария махсулотларини олиб кириш талабларини янада соддалаштириш ҳамда миллий қонунчиликни халқаро амалиётга мувофиқлаштиришни тақозо этапти. Айниқса, чет давлатларда фитосанитария сертификати тақдим қилинмайдиган махсулотларни мамлакатимизга олиб киришдаги тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида амалдаги тартиб ва талабларни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Қонун лойиҳаси билан чет дав

Тараддуд

БУХОРО ДУНЁ
ХУНАРМАНДЛАРИНИ
ЧОРЛАМОҚДА

Юртимизда халқ амалий санъатининг кўплаб турлари қатори зардўзлик ва заргарлиқни равақ топтириш, миллий қадриятларимизнинг ажралмас бир қисмига айланган хунарлар воситасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш, соҳада ишлаётган маҳоратли усталар тажрибасини иштиёқманд ёшларга ўргатиш, шу орқали улар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Мамлакат раҳбари томонидан 2021 йилнинг 29 апрелида қабул қилинган "Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарор бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур қарорга мувофиқ, ҳар икки йилда бир бор май ойида Бухорода Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш кўзда тутилган.

Шу йил 3 — 5 май кунлари ўтказиладиган II халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалига катта тайёргарлик кўриляпти. Тадбир ташкил этиладиган кўҳна Арк қўргонидан тортиб то Лабиҳовуз мажмуасига қадар бўлган ҳудуд бугун байрамона кўйефада. Кўчалар, хиёбонлар ён-атрофи гулларга бурканяпти. Фестивалнинг асосий тадбири ўтадиган гўша — Шахристон майдонида кўча саҳна барпо этилди.

— Халқаро анжуман биз, кандакорлар учун ҳам ижодий изланиш, ўзаро тажриба алмашиш майдончаси вазифасини ўтаётти, — дейди таниқли уста Шавкат Фуломов. — Тадбирда ҳаёт, тирлиқ рамзи саналган гуллар, анор тасвири туширилган, шунингдек, бодом шаклидаги янги, оригинал маҳсулотларимизни намойиш этиш ниятида-миз. Зимманимизга фестиваль голиб ва совриндорларига тақдим қилиш учун қандакорлик буюмлари тайёрлаш вазифаси ҳам юклатилганди. Шогирдларимиз

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»)

Такдимот

ТАРИХИЙ БИТИКЛАР
СИРИ ЁШЛАР ҚАЛБИГА
ЖО БЎЛАЖАК

Пойтахтимизда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жаҳияти томонидан 220 минг нусхада чоп этилган "Ўзбекистон обидаларидаги битиклар" китоб-альбомининг Тошкент шаҳридаги мактаб кутубхоналарига топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, педагоглар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Кайд этиш жоизки, ушбу муҳ-ташам мажмуа мамлакатимиздаги тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлардан жой олган тарихий битиклар сирини очигиға қаратилган ягона йирик лойиҳа ҳисобланади. Тўпламнинг ҳозирги кунда 20 жилд нашр қилинган бўлиб, ўқиш-ўрганиш ва тўплаш ишлари яна давом этмоқда.

Тадбирда бино ва обидаларимиздаги битиклар асрлар оша тарихимиздан сўзлаб келаётгани, мазкур лойиҳа уларни асраб-авайлаш ҳамда халқимизга етказишга қаратилгани, шу боис китоб-альбомларни тарқатиш ишлари айнан таълим муассасаларидан бошлангани таъкидланди.

— Тўпламнинг 200 минг нусхасини таълим даргоҳларига

Самандар ПАРДАБОВЕ,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети
талабаси.

«ТРАСТБАНК» ТОМОНИДАН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ
МАҲАЛЛАЛАРДА КУТУБХОНАЛАР ОЧИЛДИ

Молия муассасаларида

Китоб — инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси. Китоб мутолааси эса кишининг онгу тафаккурини теранлаштириб, қалбига эзгу ниятларни жамлайди, яхшиликлар оламига етаклайди. Маънавият сарчашмаси бўлган китобга халқимиз азалдан ўзгача меҳр қўйган. Китобхонлик қон-қонимизга сингиб кетган, десак ҳам, муболага эмас.



Ақол МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Сўнгги йилларда турли ташкилот ва идоралар ҳамда маҳаллаларда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш, китобхонлик маданиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу жиҳатдан, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ташаббуси билан пойтахтимиздаги "Бўстон", "Белтепа", "Ал-Хоразмий", "Камолон дарвоза", "Гулбод" ва "Бешқайрағон" маҳалла фуқаролар йиғинларида шинам кутубхоналар ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди. Жаҳон ва миллий адабиёт намуналари, болалар учун қизиқарли асарлар тўплами, қолаверса, маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга

жами 6 мингга яқин китоблар маҳалла аҳлида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мазкур кутубхоналарнинг очилиши чин маънода байрамга айланиб, ҳар бир ёшу кексага қувонч бағишлади.

Яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Маҳаллаларда бу каби кўркем ва мўъжаз кутубхона ташкил этилиши нафақат аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини оширишга, балки шу ҳудудда янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилимоқда. Яъни ушбу маҳаллаларда яшовчи, ижтимоий ғимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"да рўйхатда турувчи аҳоли-

нинг иш билан таъминланишига ҳам эришилмоқда.

2024 йил 1 март ҳолатига кўра, Бўстон маҳалласида 7 минг 910 нафар аҳоли, жумладан, 2 минг 237 нафар йигит, 3 минг 919 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Маҳаллада китобхонликни тарғиб этиш баробарида аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, маҳалланинг иқтисослашувини кучайтириш, ҳудуддаги захира ва имкониятларни ишга тушириш орқали камбағалликни қисқартириш каби масалаларга ҳам устувор аҳамият қаратилмоқда.

— Маҳалламизда жами 8 минг 520 нафар аҳоли яшайди, шундан 4 минг

китобхонлар учун яратилган шарт-шароит ҳамда компьютер технологиялари маҳалламиз аҳлини, ёшу кексани бирдек қувонтирмоқда.

Дарҳақиқат, ахборот-коммуникация йўналишида ютуқларга эришиш баробарида аҳоли, айниқса, ўғил-қизлар орасида китобхонликни тарғиб этиш борасидаги ушбу савий-ҳаракатлар алоҳида эътирофга сазовор. Зотан, бу каби зиё масканлари ва ундаги китоблар ҳаётни, она Ватанини, оила ва маҳаллани, қолаверса, атроф-муҳит ҳамда табиатни севишга ундайди.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

КИТОБ — БЕМИННАТ УСТОЗ

Мамлакат ривожининг энг асосий омилларидан бири, бу илм-фан, таълим, маданият, айниқса, ёшларда китобхонликка меҳрни уйғотиш билан бевосита боғлиқ. Шу боис юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, бугунги кун талаблари асосида янада ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "Китобхонлик маданиятини юксалтириш буюк мақсадларимизга эришишнинг муҳим қафолатидир. Китоб — беминнат устоз. Билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи".

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда барча давлат муассасалари билан бир қаторда, хусусий секторда фаолият юритаётган молия муассасалари томонидан ҳам аҳоли, айниқса, ёшлар орасида китобхонликни тарғиб этиш ва ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириляётир.

Хусусан, "Ипак йўли" акциядорлик инновация тижорат банки томонидан Тошкент шаҳри-

нинг ўзига бириктирилган "Кулолқўрғон", "Мустақиллик", "Салар", "Бектўпи", "Жарбулоқ", "Шафтолизор", "Истироҳат" ҳамда Юнус Ражабий ва Ғани Аъзамов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга шароит яратиб бериш мақсадида замонавий кутубхоналар ташкил этилди.

Мазкур кутубхоналарга бугунги кунга қадар маҳалладаги 9 нафар ишсиз хотин-қиз кутубхоначи лавозимига жалб этилиб, бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, юқорида айтилган маҳаллалардаги вақтинча ишсиз юрган фуқаролар аниқланиб, уларни банк миждо-

зи бўлган тадбиркорлик субъектларининг бўш иш ўринларига ишга жойлаштириш бўйича ҳам кенг қамровли тадбирлар амалга ошириляпти.

Шунингдек, молия муассасаси томонидан маҳаллаларда бизнес қилиш истагидаги ки-

шларга "Илк қадам" кредит маҳсулотлари орқали уларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун молиявий кўмак бериб келинаётир. Натижада маҳаллалардаги ишсизлар сони камайиб, бандлик даражаси ошиб бормоқда. Бу йўналишдаги чора-тадбирлар тизимли давом эттирилаверади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Самарқанд шаҳри 4 майга қадар давом этадиган халқаро теннис турнирига мезбонлик қилмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 275 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Таҳриратга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жаавобгар.

Газета таҳрират марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.40 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6